ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛИГИНИНГ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ (1991-2011 ЙЙ.)

Ш.А.ҲАЙИТОВ

В статье представлен обзор историографии узбекской эмиграции, осуществленный отечественными и зарубежными специалистами за годы независимости (1991-2011).

In this article given the survey historiography of Uzbek emigration, executed domestic and foreign specialists in independence years (1991-2011).

Истиқлол йилларида ўзбек муҳожирлиги тарихини ўрганиш соҳасида салмоқли илмий натижаларга эришилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу йўналишда адабиётшунос олимлар ва публицистлар бир қатор мақола ҳамда китобларни чоп эттирдилар.

Бу ўринда адабиётшунослардан Шерали Турдиев, Тоҳир Қаҳҳор, Озод Шарафиддинов кабиларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Ш.Турдиев тадқиқотларида [1] ўтган асрнинг 20-йилларида Туркистондан Германияга таълим олиш учун борганлар тақдири, жумладан, хорижда қолиб кетган ўзбек муҳожирлари ҳақида маълумот берилади. Унинг мақолалари ва китобида Туркистондан 70 дан ортиқ ёшлар Германияга ўқиш учун юборилиб, улардан 14-16 таси чет элларда қолиб кетганлиги ва фан доктори, профессор илмий мартабаларига эришганлиги, қолганлари эса СССР га қайтганлиги ҳақида тарихий манбалар орқали қизиқарли маълумот берилади. Тоҳир Қаҳҳор [2] Туркияда яшаган ўзбекларнинг матбуот органларини таҳлил қилади. Айниқса, унинг китобида муҳожирлар томонидан 1975-1977 йилларда нашр қилинган «Ҳур Туркистон учун» (Истанбул) газетаси мақолалари кенг таҳлил қилинган.

Озод Шарафиддинов тадқиқотлари 1917-1918 йилларда Туркистон мухторияти ҳукуматини бошқарган Мустафо Чўқай ҳаёти ва фаолиятини очиб беришга қаратилган ва Мустафо Чўқайнинг 1918-1941 йилларда хорижий мамлакатлардаги ижтимоий, сиёсий ва матбаачилик фаолияти орқали Туркистон зиёлиларининг муҳожирликдаги турмуши акс эттирилган [3]. Адабиётшунос ва журналистлардан Файзулла Қиличев, Матёқуб Қўшжонов, Ислом Усмонов, Миразиз Аъзам, Хайрулла Исматуллаев, Абусаид Кўчимов, Ориф Усмон, Тўра Мирзо, Абдураззоқ Юнус [4] каби кўплаб муаллифлар ўз мақолаларида бир қатор хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган, турли тарихий даврларда муҳожирликка кетган ўзбеклар, уларнинг миллий уюшмалари, матбуот органлари, моддий ва маънавий турмуши тўғрисида ёзадилар. Юқоридаги муаллифлар ўзбек муҳожирлари билан шахсий мулоқотларда бўлишган, улардаги интилиш, истак ва мақсадларни илмий-оммабоп, бадиий услубда талқин қиладилар. Ушбу мақолалар Ўзбекистон жамоатчилигини хориждаги ўзбеклар ҳаёти ва фаолияти билан таништиришда муҳим роль ўйнади. Бироқ бу мақолаларда ўзбек муҳожирлигининг тарихий даврлари, муҳожирлик омиллари, ўзбеклар яшаётган мамлакатлар жуғрофияси эътибордан четда қолган.

Муҳожир ўзбеклар муаммосига бағишланган дастлабки илмий мақолалар ҳам истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида ёзилганлигини қайд қилиб ўтиш керак. Жумладан, К.Н.Абдуллаев, М.К.Ҳасанов, В.В.Германов, Қ.Ражабов, М.Медведев, В.Генис, В.С.Бойко, И.М.Шамсиева [5] каби Ўзбекистон, Россия Федерацияси ва Тожикистон олимларининг мақолаларида йирик илмий муаммонинг айрим жиҳатлари ёритилади. Ушбу мақолалар ўзбек муҳожирлиги тарихини илмий ўрганишдаги дастлабки уринишлар бўлди десак, хато бўлмайди. Америка ва Саудия Арабистони ўзбеклари ҳақида алоҳида китоблар чоп этилиши ушбу масалага тадқиқотчилар диққати жиддий жалб қилинаётганлигини кўрсатади [6]. С.Жалиловнинг “Бухорийлар қиссаси” китобида Саудия Арабистони давлатидаги ўзбекларнинг сони, машғулотлари, турмуш тарзлари, урф-одат ва анъаналари, Ўзбекистон билан боғлиқ эсдалик ва хотиралари ҳақида мустақил лавҳалар орқали фикр юритилади.

М.Шукурзоданинг “Америкалик ўзбеклар” китоби эса икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми Иккинчи жаҳон уруши даврида муҳожирга айланган америкалик ўзбек Рўзимат Умрзоқовнинг ҳаёт йўли ва фаолиятини очиб беришга бағишланган. Китобнинг иккинчи қисмида АҚШда яшаётган айрим ўзбекларнинг ҳаёти, уларнинг миллий уюшмалари, туй ва таъзия маросимлари, асл ватанла-

ри бўлган Ўзбекистонга муносабатлари ҳақида фикр юритилган. Иккала китоб ҳам илмий–оммабоп услубда ёзилган бўлиб, уларда шахсий суҳбат ва мулоқот материаллари жамланган ҳамда ўрганилаётган мавзуга оид муҳим маълумотлар мавжуд.

ХХ асрнинг 90-йилларида муҳожир туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи билан боғлиқ масалаларни ўрганишга қаратилган. Озарбайжон диаспораси ҳақида А.А.Караев ва А.Гашимова, ўзбек диаспораси ҳақида Г.Аъзамова, қозоқ диаспораси тўғрисида Г.М.Мендикулова [7] кабиларнинг тадқиқотларини қайд қилиш мумкин. Кўрсатилган илмий ишлардан Г.Аъзамованинг номзодлик диссертацияси айнан хориждаги ўзбекларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари масаласини ёритишга бағишланган. Файласуф олима мавзу моҳиятини мукаммал тадқиқ қила олмай, бу борада ўзидан олдин хориждаги ўзбеклар масаласида шуғулланган айрим муаллифлар [8]нинг илмий хулоса ва умумлаштирувчи фикрларини қандай бўлса, ўша ҳолича ўз тадқиқотига киритган.

Тарихшунослар ўртасида 1939-1945 йиллардаги ўзбек муҳожирлиги даври мунозарали бўлиб келаётганлиги П.П.Воробьев, Ш.К.Каримов, Р.Т.Шамсутдинов [9] томонидан ёзилган мақолаларда қайд қилинган. Бироқ, бу йўналишда татаристонлик олим И.А.Гилязов [10] 1999 йилда ўзининг докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, ушбу масалага бир қадар аниқлик киритди. И.А.Гилязов ўнлаб мақолаларида муҳожир туркий халқларнинг (татар, бошқирд, қозоқ, ўзбек, туркман, қирғиз) уруш йилларидаги тарихий тақдири аянчли кечганлигини баён қилади. Иккинчи жаҳон уруши асирларининг барчасига «сотқин», «хоин» деган айбларни қўйиш нотўғри эканлигини таъкидлар экан, И.Гилязов бу масалага умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро меъёрий ҳужжатлар асосида ёндашиш кераклигини ёзади. Қозоғистонлик олима Б.Садикова “Туркистон легиони” билан боғлиқ ҳужжатлар тўпламини чоп эттирди [11].

Мустақиллик йилларида ушбу мақола муаллифининг тадқиқ қилинаётган мавзу тарихшунослигига бағишлаб ўнлаб китоб ва мақолалари чоп этилди [12].

Ўзбек муҳожирлиги тарихи муаммолари юзасидан йирик илмий тадқиқот яратилиши ва илмий жамоатчилик томонидан бу муаммонинг Ўзбекистон тарихидаги ролини эътироф этиш учун фурсат етиб келган эди. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, мақола муаллифи кўп йиллик илмий изланишларнинг самараси ўлароқ 2009 йилнинг 16 апрелида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга мўлжалланган Бирлашган Ихтисослашган Кенгашида “ХХ аср ўзбек муҳожирлиги тарихи” [13] мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертацияда ўзбек муҳожирлигининг тарихий илдизлари, уни келтириб чиқарган омил ва сабаблар, совет ҳокимияти йилларидаги муҳожирликнинг хусусиятлари, тарихий босқичлари, ўзбек миллати вакилларининг чет эллар бўйлаб тарқалиши, уларнинг этносоциал жараёнлари, миллий уюшма ва матбуот органлари, асл ватанлари Ўзбекистон билан муносабатлар тарихи, хориждаги ўзбекларнинг миллий ўзликни сақлаб қолиш даражаси ва унга таъсир қилган жиҳатлар илмий асосда атрофлича очиб берилган. Муаллифнинг фикрича, ўзбек муҳожирлигининг истиқлол даври тарихи ҳамда собиқ СССР парчаланиши туфайли вужудга келган мустақил ёш давлатлардаги ўзбекларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам истиқболдаги тадқиқотлар зиммасидадир.

Кейинги йилларда ўзбек муҳожирлиги тарихига оид мақола муаллифининг “Ватан меҳри”, “Уруш ва муҳожирлик”, “Афғонистон: тарихнинг чигал сўқмоқлари” каби бир қатор китоб ва рисолалари [14] нашрдан чиқди. Муҳожир ўзбеклар тарихи ҳақида илмий тадқиқотлар яратиш жараёни республика олимлари томонидан давом эттирилмоқда.

Ўзбек муҳожирлари тарихи масалалари хорижда истиқомат қилаётган айрим зиёли ўзбекларнинг асарларида ҳам баён қилинган. Маълумки, чет эллик ўзбеклар асосан араб ва лотин имлосида ёзиб, мумтоз ўзбек адабий тилида гапирадилар. Чунки муҳожирлик тўлқинлари юз берган асосий даврларда Ўрта Осиёда амалда араб ва лотин имлоси қўлланилар эди. Шунинг учун чет эл ўзбеклари ўз асарларини араб имлосида нашр қилдирганлар. Тадқиқотлар натижасида амин бўлиндики, муҳожир ўзбекларнинг китоблари асосан турк ва немис тилларида, араб имлосида эски ўзбек адабий тилида ва араб имлосида форс-тожик тилида ёзилган.

Муҳаммад Мусо Туркистоний, Шаҳобиддин Яссавий [15] кабиларнинг китоблари эски ўзбек адабий тилида, араб имлосида ёзилган бўлиб, улар шахсий хотиралар, кузатишлар асосида дунёга келган. Ҳусан Икром, Темур Хўжа, Заки Валидий Тўғон, Абдулла Ражаб Бойсун, Аҳат Андижоний [16] китоблари турк тилида ёзилган. Вали Қаюмхон ва Боймирза Ҳайитнинг [17] мақола ва китоблари немис ва турк тилларида чоп этилган. Муҳожир ўзбеклар тарихини атрофлича ўрганиш учун юқорида номлари зикр этилган муаллифлар асарларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Муҳаммад Мусо Туркистоний ва Шаҳобиддин Яссавийларнинг асарларида Туркистон минтақасида совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг унга қарши қуролли кураш олиб борган қўрбошилар, уларнинг тарихий тақдирлари

ва муҳожирликка кетишлари билан боғлиқ маълумотлар берилади. Вали Қаюмхон, Ҳусан Икром ва Боймирза Ҳайит кабиларнинг асарларида Иккинчи жаҳон уруши омили туфайли муҳожирликка маҳкум этилганларнинг ҳаёти ва тақдири баён қилинган. Туркиялик ўзбек Аҳат Андижонийнинг китоби ўзбек муҳожирлиги тарихи, чет элдаги ўзбекларнинг фаолиятлари ва тақдирлари масалаларини нисбатан кенгроқ қамраб олган ва хорижда яратилган алоҳида аҳамиятга эга бўлган асардир.

Ўзбек муҳожирлигининг тарихий илдизлари ва XX аср дастлабки ўн йилликлари давридаги Туркистон халқларининг хорижга кўчиш жараёнлари муаммоларини ўрганишда турк тарихчиси Меҳмет Сарай тадқиқотлари [18] ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тадқиқотчи Ўрта Осиёда хонликлар давридаги Туркистон муҳожирлиги сабаблари ҳамда БХСР ҳукумати йилларида (1920-1924) ўзбеклар бир қисмининг Туркияга кўчиб ўтиши билан боғлиқ маълумотларни ўз китобларида таҳлил қилган.

Истиқлолнинг ортда қолган йилларида муҳожир ўзбекларнинг хориждаги турмуш тарзи ва ҳаёти талқинларига бағишланган асарлар бадиий адабиётда ҳам пайдо бўлди. Ёзувчи ва адиблар хориждаги ўзбекларнинг муҳожирлик кунларини, уларнинг Ўзбекистонга муносабатини бадиий образлар орқали талқин қилишга эришмоқдалар [19].

Ўзбекистон нашриётларида, даврий матбуот органларида ўнлаб муҳожир ўзбекларнинг хотираларидан иборат китоб ва мақолалари чоп этилганлиги ҳам алоҳида таъкидга арзийди. Бу ўринда Амир Сайид Олимхон, Алихонтўра Соғуний, Саид Мубаширхон, Ориф Ойнарул, Рўзи Назар, Абдулвоҳид Ясса, Муҳаммад Али Балжувоний, Иброҳим Ёрқин, Саййид Мансур Олимий [20], Туркистон халқлари озодлик ҳаракатида муҳим роль ўйнаган Аҳмад Заки Валидий Тўғон (бошқирд), Мустафо Чўқай [21] (қозоқ) кабиларнинг хотира ва эсдаликлари асосида ёзилган ишлари назарда тутилаяпти. Мазкур муаллифларнинг асарлари ва мақолаларидан Бухоро ва Ўзбекистон тарихига оид кўпгина мунозарали саволларга жавоб топиш мумкин. Муҳожирлик машаққатларини бевосита бошидан кечирган ушбу шахслр ўз кўзлари билан кўриб, шахсан гувоҳ бўлган воқеалар асосида фикр юритадилар. Уларнинг хотира парчаларидан фойдаланиб Туркистон халқи олиб борган истиқлол учун курашлар йилномасини янги далиллар билан бойитиш мумкин.

Ўзбекистон матбуотида истиқлолнинг дастлабки йилларида муҳожир ўзбек ижодкорларининг шеъриятидан ҳам намуналар берилди. Ўзбек китобхони Эргаш Шермат Булоқбоши, Темур Хўжа, Собир Сайҳонли, Камол Абдуллоҳ Андижоний (Тошқин) [22]нинг шеъриятидан баҳраманд бўлди. Ушбу шеъриятнинг асосий мавзуси – Ватан озодлиги, ватанпарварлик, она-юрт соғинчи, миллат равнақи ва истиқболини тараннум қилишга йўналтирилган.

Чет эл ўзбекларининг назмий асарларидан хориждаги ўзбеклар Ватансизлик туфайли чеккан дард-аламлар, ўша ҳасратли йилларнинг аччиқ сабоқлари, совет ҳокимиятининг миллий ғурур ва ўзликни англашга йўл бермаган буюк давлатчилик сиёсати, она-юртга интилиб яшаш ҳиссиётлари кабилар барқ уриб туради.

Бундан ташқари 1990 йилларда матбуот орқали муҳожир ўзбеклардан Шаҳобиддин Яссавий, Ҳусан Аҳмад, Гули Ўқиён [23] каби ўнлаб миллатдошларимиз истак ва фикрлари билан танишиш имконига эга бўлинди.

Совет мустабид тузуми ҳукмронлик қилган 1917-1991 йилларни ўз ичига олган тарихий даврда ўзбек муҳожирлигини келтириб чиқарган сабаб ва омиллар, муҳожирликнинг тарихий босқичлари, ўзбекларнинг хорижий мамлакатлар бўйлаб тарқалиши, сони, машғулоти, турмуш тарзи ва фаолиятлари, Ўзбекистонга муносабатлари, аждодлари юрти билан қавм-қариндошчилик алоқалари тарихи ҳақида алоҳида йирик илмий тадқиқот яратилди. Бироқ истиқболда ўзбек муҳожирлиги тарихи соҳасидаги тадқиқотлар олдида бир қатор долзарб муаммолар турибди:

1.Ўзбекистон истиқлолга эришганига ҳам 20 йил тўлди. СССР парчаланиши натижасида пайдо бўлган давлатлардаги муҳожир ўзбекларнинг ижтимоий ва маънавий қиёфасида ортда қолган йилларда бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Улар тарихини ўрганиш, бу мамлакатлардаги муҳожир ўзбекларнинг Ўзбекистон билан алоқаларини тадқиқ қилиш эҳтиёжи туғилмоқда.

2.Ўзбек муҳожирлиги тарихи Туркия республикаси, Сибирь ва Волга бўйи (Россия федерацияси) каби ҳудудларда бундан 4-5 асрлар олдинги даврларга бориб тақалади. Салкам 500 йиллик тарихий даврда муҳожир ўзбекларнинг этнографияси масалаларини ўрганиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

3.Истиқлол йилларида Ўзбекистон республикаси ва ўзбек муҳожирлари орасидаги муносабатлар тарихини тадқиқ қилиш ҳам келажак зиммасида.

4.Муҳожир миллатдошларимиз нисбатан зич яшаётган мамлакатлардаги ўзбеклар тарихини алоҳида тадқиқот мавзулари сифатида илмий жиҳатдан ўрганишга ҳам эҳтиёж бор.

АДАБИЁТЛАР:

1. Турдиев Ш. Хориждаги ўзбек адабиёти.//Фан ва турмуш, 1992.-№8; Шу муаллиф. Узбекстанские «невозвращенцы». // Звезда Востока.- 1993.- №3.- С. 106-146; Шу муаллиф. Улар Германияда ўқиган эдилар. –Т.: Академхизмат, 2006.

2. Тоҳир Қаҳҳор. Муҳожир туркистонликлар матбуоти // ЎзАС.- 1992.- 10 янв.; Шу муаллиф // Ҳур Туркистон учун. –Т.: Чўлпон, 1994.

3. Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай (чизгилар) // Шарқ юлдузи.- 1992.-№4; Шу муаллиф. Истиқлол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим.– Т.: Фан, 1993.

4. Қиличев Ф. Мустақилликнинг фожеали йўли // Шарқ юлдузи.-1992.-№7; Қўшжонов М. Ўтмиш фожеаларидан бир лавҳа // Шарқ юлдузи.-1992.- №6; Усмонов И. Топталган тақдирлар.- Т.: Меҳнат, 2000; Шу муаллиф. Икки қирғоқ фарзандлари // Мулоқот.-1991.-№6; Шу муаллиф. Туташ тақдирлар // Мулоқот.-1991.- №11; Шу муаллиф. Отамакон диёр тушларимга киради // Мулоқот.-1991.-№12; Шу муаллиф. Темур Хўжа: Руҳим Ўзбекистонда қоладур // Мулоқот.-1992.- №2; Шу муаллиф. Дийдор. / Ўзбегим.-Т., 1992; Шу муаллиф. Ўзбекистон жаҳонга юз очмоқда //Мулоқот.-1992.-№3; Миразиз Аъзам. Боймирза Ҳайит шахсияти // ЎзАС.-1992.- 3 июль; Хайрулла Исматуллаев. Генерал ортида қолган аскарлар // ЎзАС.-1991.-11 окт.; Шу муаллиф. Умурзоқ отанинг Вашингтондаги набиралари // ЎзАС.- 1991.-18 окт.; Шу муаллиф. Дунё туркий халқлар конгресси // ЎзАС.- 1991.- 4 сент.; Шу муаллиф. Бобур авлоди – АҚШ профессори //Ёш куч.- 1992.- №5-6; Абусаид Кўчимов. Сеҳрли диёр (АҚШ ўзбеклари ҳақида) //Ёш ленинчи.-1991.-20 июль. Ориф Усмон. Хуросонлик ўзбеклар // Мулоқот.-1991.-№3; Шу муаллиф. Ўзимизнинг ўзбеклар //Ватан.-1992.-30 сент.; Ҳожи Абдураззоқ Юнус. Сафари муборак // Моваруннаҳр мусулмонлари.-1994.- №1. ва б.

5. Абдуллаев К.Н. Из истории послереволюционной эмиграции: к историографии проблемы // Общественные науки в Узбекистане.-1990.- №4; Бухарская послереволюционная эмиграция (к историографии проблемы). / Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы перспективы изучения. –Т.: Фан, 1991.-С.187-197; Ҳасанов М., Германов В. Амир Олимхон фожеаси //Фан ва турмуш.-1991.-№10; Германов В. Историки Туркестана в условиях политического террора 20-30-х годов. –Т.: Узбекистан, 1991; Ражабов Қ. Юрт дийдорига талпиниб // Ўзбекистон овози.-1997.-24 июль; Шу муаллиф. Бухоро қўрбошилари //Фан ва турмуш-1998.-№6.–Б. 18-19; Шу муаллиф. Истиқлол шаҳидлари //Шарқ юлдузи.- 2002.-№4.-Б.107-129; Шу муаллиф. Истиқлол курашчиси // Вазият.-2006.-16-28 фев.; Шу муаллиф. Сўнгги манғит ҳукмдори //Бухоро мавжлари.-2007.- №3.-Б. 41-44; Медведев В. Нечаянная революция. Бухара, 1920 год //Дружба народов.-1992.- №1; Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории.- 1993.-№7; Бойко В.С. Советско-афганская военная экспедиция в Афганистане 1929 года //Азия и Африка сегодня.-2001.- №7; Он же: Среднеазиатская эмиграция в Афганистане в 20-е – начале 30-х годов XX века // Ўзбекистон тарихи.-2004.-№3; Баҳронов И. Шўроларнинг Туркистондаги сиёсати муҳожир ватандошларимиз талқинида //Маҳорат кўзгуси.- 2004.-№ 3-4; Шамсиева И.М. Американдаги туркистонлик ўзбеклар ҳақида. / Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва тарихий жараёнлар. (Илмий тўплам). - Т.,2006.-Б. 68-74.

6. Жалилов С. Бухорийлар қиссаси. (Муҳожират тарихидан лавҳалар) .-Т.: 2006; Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. -Т.: Фан, 2007.

7. Караев А.А. Азербайджанская эмиграция 1920-1930 годов: культурологический аспект деятельности. Автореф. дисс. канд. филос. наук.– Баку., 1991; Айгун Теюб кызы Гашымова. Азербайджанское эмигрантство в первой половине XX века (до конца 30-х годов). Автореф. дисс. канд. филос. наук.–Баку, 1992; Аъзамова Г.А. Узбеки за рубежом: социально-политические и правовые проблемы. Автореф. дисс. канд.филос.наук.- Т.,1995; Мендикулова Г.М. Исторические судьбы казахской диаспоры.– Алматы, Галым,1997.

8. Ҳайитов Ш., Собиров Н., Легай А. Хориждаги ўзбеклар.– Т.: Фан,1992.

9. Воробьев П.П. Дятельность «Туркестанского легиона» в источниках, в исторической литературе, опубликованной в Германии. / Узбекистан: страницы истории. -Т.: Фан, 1991.- С. 53-55; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. «Туркистон легиони» нима? // Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). –Андижон, 2004.– Б. 490-502.

10. Гилязов И.А. Военно-политический коллаборационизм тюрко-мусульманских народов СССР в годы Второй мировой войны. Автореф. дисс. докт. ист. наук.– Казань, 1999.

11. Садыкова Б. История Туркестанского легиона в документах.- Алматы, Кайнар, 2002. Ушбу китоб ва бир қатор хорижда чоп этилган асарларни тақдим этган т.ф.д.Қ.Ражабовга миннатдорчилик билдирамиз.

12. Ҳайитов Ш. Ватан, Ватанпарвар, Ватанжудо.-Т.,1992; Шу муаллиф. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати.- Бухоро, 2005; Шу муаллиф. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси.- Бухоро, 2007; Шу муаллиф. Муҳожирлик на шодлик, на ғам...- Бухоро, 2008; Шу муаллиф. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.).–Т., 2008 ва б. (Изоҳ: муаллифнинг ўзбек муҳожирлиги тарихини ёритувчи 20 дан ортиқ китоб ва рисолалари 120 га яқин илмий мақолалари чоп этилган).

13. Хайитов Ш.А. История узбекской эмиграции XX века. Автореф. дисс. док. ист. наук.- Т.,2009;

14. Ҳайитов Ш.А. Ватан меҳри.- Бухоро,2010; Шу муаллиф. Уруш ва муҳожирлик.- Бухоро, 2010. Шу муаллиф. Афғонистон: тарихнинг чигал сўқмоқлари.- Бухоро, 2011 ва б.;

15. Муҳамамад Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожеаси.- Мадинаи-Мунаввара, 1979; Шаҳобиддин Яссавий. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари.– Истанбул, 1984 (араб имлосида);

16. Ҳусан Икром. Ғурбатдаги ҳаёт хотиралари.– Истанбул, 1984. (турк тилида); Turkistanda venilik Hareketleri ve Ihtilaler: 1900-1924.–Haarlem, 2001; А.З. Валидий. Бугунги Турк эли. (Туркистон ва яқин тарихи). –Истанбул, 1981; Аҳад Андижоний. Туркистон мужодаласи.– Истанбул, 2003. (турк тилида);

17. Вали Қаюмхон. Тарих тилга кирганда.– Мюнхен, 1986 (немис тилида); Боймирза Ҳайит. «Basmachilar».Turkistan Milli mucadele tarihi (1917-1934).-Ankara, 1997; Шу муаллиф. Turkistan devletlerinin Milli mucadele tarihi.– Ankara, 1995;

18. Mehmet Saroy. Ataturk'un Sovyt Politikasi, Istanbul,1990, 394 S; Mehmet Saroy.Rus ishgali Devrinde Osmanli Devleti Turkistanv hanliklari arasindagi Siyasiy munasebetlleri. Ankara. 1994. 282 S; Mehmet Saray. Mulli Mucadele Uillarinda Buhara Cumhuriyetinin Turkieye Vardimi. Turkistonda Venibik Hareketleri ve Ihtilaller: 1900-1924. Haarlem, 2001. -68-74 S;

19. Тоҳир Малик. Сўнгги ўқ (қисса). –Т., 1990; Шу муаллиф. Девона (Танланган асарлар).- Т.: Шарқ., 2004; Мурод Мансур. Жудолик диёри. 3-китоб.– Т.: Шарқ. 2006; Яквалхўжаев Ё. Қайтар дунё (роман) // Ёшлик.-1991.- №2-3, №4; Шу муаллиф. Уч кўчанинг охири (роман) // Шарқ юлдузи.-1995.- №3 ва б.;

20. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи.- Т.: Фан, 1991; Алихонтўра Соғуний. Ватан аҳлларига деганларим (Олтин китоб ҳимояга муҳтож эмас) // Ўзбегим.- Т., 1992. –Б. 209-230; шу муаллиф. Туркистон қайғуси // Ёшлик.-1992. -№ 3-4. –Б. 30-36, - № 5.- Б. 52-68; шу муаллиф. Ватанни дўст тутиш иймондан эрмиш // Шарқ юлдузи.-1992.-№ 7.-Б. 17-18. Саид Мубаширхон. Хотиралар // Дунё.- 1993.-№ 1.-Б.28-29; Ориф Ойнарул. Ҳижратда туришимдан бир асар // Ёшлик.-1192.-№ 7-8.-Б. 49; Рўзи Назар. Рум бир кунда бино бўлмаган // Ёшлик.-1992.-№ 7-8.-Б. 49; шу муаллиф. Муқаддас тупроқни кўзга сурдим // ЎзАС.-1992.-7 авг.; Абдулвоҳид Ясса. Жон кетар, Ватан кетмас // Гулистон.-1996.-№ 3.-Б. 14-15; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихий нафсий (Фойдали тарих).- Т.: Академия, 2001; Иброҳим Ёрқин. Хотиралар // Жаҳон адабиёти.-2002.-№ 6.-Б.134-145. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги (форс тилидан доц. Ҳ.Ҳ.Тўраев таржимаси).- Бухоро, 2004 ва б.;

21. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар // Шарқ юлдузи.-1993.-№ 4-5, 6-7, 8-9; шу муаллиф. Бўлинганни бўри ер (Туркистон халқларининг курашлари тарихидан).- Т.: Адолат, 1997; Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотира парчалари).- Т.,1992;

22. Камол Абдуллоҳ Тошқин. Шеърлар.- Мулоқот.-1991.-№ 12.–Б. 68; Шарқ юлдузи.-1992.-№ 4.–Б. 149; Собир Сайҳон. Шеърлар // Халқ сўзи.-1992.-25 март; ЎзАС.- 1992.- 15 май; Темур Хўжа. Олислардан бир садо // Шарқ юлдузи.- 1992.-№ 5.-Б. 184-186; Турк саройидаги нодир асар // ЎзАС.-1991.- 20 дек.; Эргаш Шермат Булоқбоши. Порлоқ тонар истиқболинг Туркистон // Шарқ юлдузи.-1992.-№ 1.-111-115; шу муаллиф. Эрта албат бизники...// ЎзАС.- 1993.- 18 янв. ва б.;

23. Шаҳобиддин Яссавий. Ёшлар дунёни кўришсин // Ёшлик, 1992.-№ 7-8.-Б. 33-35; Ҳусан Аҳмад ўғли. Сиз мустақилмисиз? // Ўзбегим.- Т., 1992.- Б.185-189; Гули Ўқиён. Ўзбекистон бизга кунчиқар юрт // Ёшлик.-1993.-№ 1.-Б. 27-28.

Бухоро давлат университети,
2011 йил 15 июнда қабул қилинган